



Дунё
адабиёти

Лев ТОЛСТОЙ

Авлиё Сергей



Лев ТОЛСТОЙ

*Авлиё
Сергий*



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2016

УЎК: 821.161.1-3
КБК: 84 (2Рос=Рус)
Т64

Рассом
Муҳриддин Тўхтарбоев

Т64 **Толстой, Лев**
Авлиё Сергей / Л. Толстой. – Тошкент:
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат
илмий нашриёти, 2016. – 200 б.

Буюк рус ёзувчиси Л. Н. Толстойнинг «Авлиё Сергей» киссаси ўзига хослиги билан адабиётшунослар ва китобхонларнинг диққат-эътиборига сазовор асарларидан биридир. Асар қаҳрамонининг ҳаёт тарзи кўп жиҳатдан ёзувчининг инсон умри, унинг ишончи, эътиқоди борасидаги қарашларини ақс эттиради. Инсоннинг маънавий-руҳий комилликка интилиш йўлидаги машаққатларини, зиддиятли ички руҳий кечинмаларини тасвирлар экан, ёзувчи ўзининг ҳам бу борадаги фалсафий қарашларини баён этади. Ушбу қисса илк маротаба ёзувчининг вафотидан сўнг 1911 йилда «Л. Н. Толстойнинг сўнгги асарлари» номли сайланмада нашр қилинган. Асар ўзбек тилида илк бора китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шунингдек, мазкур китобдан ёзувчининг Озод Шарафиддинов томонидан ўзбек тилига ўтирилган «Иқрорнома» ҳамда Иброҳим Гафуров таржимасидаги «Телбанинг ёзганлари» асарлари ҳам ўрин олган.

УЎК: 821.161.1-3
КБК: 84 (2Рос=Рус)

ISBN 978-9943-07-409-5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2016

АВЛИЁ СЕРГИЙ

(Қисса)

I

Қиркинчи йилларда¹ Петербургда барчани ажаблантирган бир воқеа содир бўлди: Император Николай I даврида флигель-адъютант²лик фахрий унвонига сазовор бўлиши ҳамда ёрқин истикболу чексиз шон-шуҳратга эришиши башорат қилинган кирасир полки³нинг лейб-эскадрон⁴ командири, хушбичим князь – кимсан нақ хазрати олияларининг алоҳида меҳр-муҳаббатига мушарраф ғоятда гўзал, аслзода фрейлинага уйланишига бир ой қолганида, қаллиғи билан барча муносабатларни узди-да, ўзига қарашли унча катта бўлмаган ер-мулкни синглисига қолдирганича роҳибликни ихтиёр этиб, ибодатхонага жўнади. Воқеанинг асл моҳиятидан беҳабарларга бу ҳодиса қанчалар ғайриоддийу ғаройиб туюлмасин, бироқ Степан Касатскийнинг ўзи учун буларнинг бари бошдан-оёқ шунчалар табиий эдики, у ўшанда бошқача йўл тутиши мумкинлигини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Степан Касатскийнинг отаси, гвардиянинг истеъфодаги полковниги, оламдан ўтганида, ўғли ўн икки ёшда эди. Дилбандини уйдан олисга юборишга онаизорнинг кўзи қиймаси-да, марҳум эрининг, тўсатдан вафот этгудай бўлса, ўғлини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, иссиқ бағрида олиб ўтирмасдан, корпусга⁵ бериш кераклиги тўғрисидаги васиятиини адо этмасликка ботинолмади ва ноилож уни корпусга

¹ Изоҳ. Муаллиф бу ерда 1840 йилни назарда тутмоқда.

² Флигель-адъютант – Россияда император саройидаги олиймаком ҳарбий унвон.

³ Кирасир полки – совут қийган отлик аскарлар полки.

⁴ Лейб-эскадрон – 1917 йилгача Россияда императорнинг хос отлик аскарлари бўлиниши шундай аталган.

⁵ Корпус – Россияда ҳарбийлар тайёрланадиган билим юрти.

топширди. Кўздан нари, кўнгилдан нари бўлмасин учун, ҳеч бўлмаса байрам кунлари сағирининг дийдорига тўйиш ниятида бева онаизор кизи Варвара билан ўғлига яқин ерга, Петербургга кўчиб ўтди.

Илм-фан, алалхусус, алжабр борасида етакчилиги, ясов тортишу от минишга иштиёқмандлиги йигитчанинг ёрқин истеъдоду ғоятда нозик дид-фаросат соҳиби эканлигини намоён этиб турарди. У одатдагидан кўра бўйдор ва барваста бўлишига қарамай, ниҳоятда абжир ва кўркам йигит эди. Устига устак, бироз жиззакилигини айтмаганда, хулқ-атвор борасида ҳам уни энг ибратли кадет¹ деса бўларди. Ичкиликдан йироқ, бузукликдан холи, ғоятда ростгўй. Табиатидаги ягона қусури – жаҳли чиққанида, ғазабини тизгинлай олмас, ҳовури босилмагунча кўзига ҳеч нарса кўринмас, бенуксон инсондан бир лаҳзада буткул ваҳший ҳайвонга айланиб қолиши унинг етук кадетликка эришувида ягона тўсиқ бўлиши мумкин эди, холос. Бир гал у ўзининг маъданлар жамланмаси масхаралашга жазм этган кадетни жаҳл устида деразадан улоқтириб юборишига сал қолаёзди. Кейинги сафар хўжалик омилкори билан тортишиб қолганида ўйлаб-нетиб ўтирмай уни дўлма тўла лаган билан аямай солди. Боз устига юзлашганда сўздан тонган, кўзига тик боқиб, ёлғон сўзлаган бир зобитнинг ҳам суробини тортиб қўйишдан қайтмади. Айтишларича, ҳалиям уни ўлим-йитимдан Худонинг ўзи бир асраб қолибди. Башарти, корпус бошлиғи хўжалик омилкорини ишдан бўшатиб, барини ими-жимида хаспўшламаганида, Касатскийни оддий аскарликка тушириб қўйишлари ҳеч гап эмасди.

Ўн саккиз ёшида у гвардиянинг оксуяклар полкига офицер этиб юборилди. Ҳали корпусдалигидаёқ, Император Николай Павлович уни таниб, эслаб қолганди.

Шу ваздан кўпчиликнинг фикрича, император, полкдаги хизмати битгач, йигитчани флигель-адъютантликка муносиб кўриши маълум бўлиб қолганди. Касатскийнинг ўзи ҳам буни истар, илло бу зинҳор унинг шуҳратпарастлигидан

¹ Кадет – 1917 йилгача Россияда ўрта махсус ҳарбий ўқув юрти, яъни кадетлар корпусининг тарбияланувчиси.

эмас, балки корпус давриданок у Николай Павловични зўр ихлос, ҳа-ҳа, айнан зўр ихлос билан суйганидан бунга жуда-жуда хайрихоҳ эди.

Николай Павлович дам-бадам кадетлар ҳолидан хабар олгани келиб турарди. Ҳар сафар ҳафсала билан қиртишланган чакка соқол, қуюқ мўйлови ўзига ярашган, қирғийбурун, кенг ўмров, ягриндор, самбитқомат бу олий зот ҳарбийлар мундирида шахдам қадамлар билан ичкарига кирганида ва қудратли овоз билан сўрашганда, Касатский унга нисбатан баайни муҳаббатини учратган ошиқнинг шавқига ўхшаш ғалати ҳисни туярди.

Лекин Николай Павловичнинг сиймосига ошиқлик шавқи кейинчалик у дуч келган муҳаббат шавқидан-да кучлироқ эди: қандай бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, ҳатто, унга ўз жонини фидо этиб бўлса ҳам, садоқатини изҳор қилишни кўнглига тукканди. Николай Павлович ҳам ёш йигитнинг қалбидаги пинҳон иштиёқни тўлқинлантирганидан бохабар бўлгани ҳолда уни атай ёнига чорларди. Ҳазрати олийлари ора-сира кадетларни атрофига йиғиб, гоҳ серхашам ва серсавлат рутбасига монанд равишда, гоҳ дўстона самимият, баъзан эса болаларга хос соддадиллик билан гурунглашар, уларга қўшилиб, басма-басига ҳарбийларнинг сеvimли машғулотларини бажаришга киришиб кетарди.

Зобит билан боғлиқ сўнгги воқеадан кейин Николай Павлович Касатскийга рўбарў келганида индамади, бироқ у подшога яна бир сидра яқинлашмоқчи бўлганида, ҳазрати олийлари бамисоли ранжиган одамдай ясама ҳаракатлар билан уни ўзидан итариб, ковоғини уйди-ю, кетар чоғида кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилди:

– Билиб қўйинг, баридан бохабарман, аммо айримларини билишни ҳам истамасдим. Мана бу ердэгиснн.

У шундай дея юрагига ишора қилди.

Битирувчи кадетларни ҳузурига чорлаган ҳазрати олийлари, гўё бу воқеа мутлақо бўлмагандай, гина-кудуратларни фаромуш этиб, аксинча, барчага бирдек илиқ муносабатда бўлди, Ватанга ва подшога сидқидилдан хизмат қилишлари йўлида ҳамиша уни ўзларига бир тану бир жон дўст билиб,

исталган вақтда бемалол мурожаат қилишлари мумкинлиги тўғрисида сўзлади. Император хазратларининг мухтасар нуткидан ҳамма ҳар доимгидек тўлқинланди, бироқ юзи шувут Касатский ҳоли-жонига қўймаётган хунук хотиралари исканжасида мулзамлигидан йиғлагудек бўлди ва сўнгги нафасига қадар суюкли подшосига бор куч-ғайрату шижоатини бағишлаб хизмат қилмоқликка оинт ичди.

Касатский полкка кўтарилганида, онаси билан синглиси аввал Москвага, кейин эса қишлоққа кўчиб борди. Касатский мол-мулкининг ярмини синглисига туҳфа этди. Давлатининг қолган қисми эса хизмат қилаётган серхашам полкида ўзини таъминлашгагина етарди.

Зоҳиран қараганда, Касатский порлоқ истиқбол сари ни-тилаётган оддийгина ёш гвардиячидай туюлар, бироқ унинг ботинида ўта мураккаб ва муросасиз туйғулар жўш урарди. Ҳойнаҳой, унинг ёшлик чоғларидан буён бардавом бу хислар серкирра, ранг-баранг бўлса-да, бироқ моҳиятига кўра аслида бир хил, яъни йўлида учраган ҳар қандай ишда одамларнинг хавасу ҳайратига сазовор камолу иқболга етмоқликдан иборат эди. Бу сабоқ бўладими, машғулотми, бир ишнинг бошидан маҳкам тутдими, тамом, то бошқаларнинг эътибору эътирофига эришмагунга қадар бошвоғини қўйиб юбормасди. Шу зайлда у ўқишда ҳаммадан илғор тургувчи мақомга мушарраф бўлди, ҳали корпусдалигидаёқ ўзининг французча мулоқот борасида бироз нўноқлигини пайқаб қолиб, французлар тилини қонида оқайтган рус тили янглиғ мукаммал эгаллашга эришди, шунингдек, шахмат билан ҳам шуғулланиб, бора-бора моҳир шахматчига айланди.

Шоҳ хазратларига-ю Ватанга хизмат қилишдан иборат манг-лайига битилган қисмагидан бўлак, олдида мудом қандайдир мақсад кўяр, қанчалик майда-чуйда бўлмасин, эришмагунича борлигини бахш этиб, биргина ўша мақсади учун яшарди. Бироқ, кўзлаган муроду мақсадига етишгани ҳамон, унинг шуурида шу дақиқадан эътиборан бошқа бир маслак бўй кўрсатиб, аввалгисининг ўрнини эгалларди. Атрофдагилардан ажралиб туришга интилиш ва бу борадаги муддаосига эришиш – унинг ҳаётини тўлдириб турар, ҳаётининг мазмуни шундан иборатдек эди.

Айтайлик, у ҳатто офицерликка ўтганида ҳам ўз хизмат вазифаларини янада мукамалроқ ўзлаштиришга интилди, натижада тез орада энг намунали офицерлардан бирига айланишга эришди, гарчи бу ерда ҳам унинг хизмат пиллапоёларидан кўтарилиши учун зиён етказувчи эски қусури, яъни бўлар-бўлмасга қизишиб кетиши талайгина номатлуб машамшаларни бошидан кечиришига сабаб бўлган эса-да, у ўз мақсадларига мушарраф бўлди.

Кейинчалик эса у оқсуяклар даврасидаги аллақайси гурунглاردан бирида билдирилган фикрлар асносида ўзининг умумий билимлари борасида кемтикларни ҳис этиб, дарҳол уни тўлдириш ҳаёли билан мук тушиб китоб мутолаасига шўнғиди-ю ниятига етди. Кейин киборлар жамиятида муносиб ўрин эгаллашни ихтиёр этиб, аёло даражада рақс тушишни ўрганди ва кўп ўтмай, барча олиймақом балу зиёфатларга ҳам таклиф этиладиган бўлди, бироқ бундайин мавқе уни асло кониктирмасди. Зеро, у ҳамиша ҳар жабҳада етакчиликка, бошқалардан юксакроқ бўлишга ўрганганди, лекин бу масалада, яъни киборлар жамиятидаги мавқе масаласида у ҳали анча орқада эди.

Ўшанда бу жамият... аслида-ку, ҳамиша, ҳамма жойда ва ҳар қандай замонда бўлгани каби одамларнинг тўрт тоифасидан иборат эди: биринчиси, бой-давлатмандлару, сарой аёнлари; иккинчиси, давлатманд бўлмаса-да, сарой муҳитида ўсиб улғайганлар; учинчиси, амалдорларга ясама тақлид қиладиган зодагонлар; тўртинчиси, кўрпасига қараб оёқ узатишни унутиб, юқорида тилга олинган ҳар икки тоифадагиларга бўйлашаман, дея овораю сарсон бўлиб юрган сарой аҳлига мансуб бўлмаган сохта боёнлар.

Касатскийнинг биринчи тоифага тегишли жойи йўқ эди, лек уни сўнги икки доирага бажонидил қабул қилишарди. Оқсуяклар оламининг остонасига қадам қўйиши ҳамоно, князь зодагонлардан чиққан қиз билан оила қуришни кўнглига тукқанди, ҳар холда, ўйлаганидан ҳам тез фурсатда бу муродига етди. Князь ўзи алоқадор бўлган одамлар табақаси қуйи доирадан эканлигини, юқори доира вакиллари, сарой амалдорлари гарчи уни жон-жон дея давраларига қўшсалар-да, у бу даврадаги-

ларга ётлигини дарҳол англади. Муҳташам мажлисларда назоратга йўғрилган илиқ муносабатлар ҳар жиҳатдан бу даврада хайрихоҳлари борлигини намоён этиб турса-да, барибир бу издиҳомда у бегона эди. Ҳа, Касатский ўша ерда қондошликни ихтиёр этди. Бунинг-чун ундан ё камида флигель-адъютантлик мартабасига эришиш, ё мавриди келишини кутиш, ё худ шу тоифага мансуб олийнасаб қизга уйланиш талаб қилинарди. Темирни қизиғида босишга ўрганган Касатский кутишдан кўра, иккинчи йўлни афзал билди-ю, уни рўёбга чиқармоқликка жазм этди. У қариндошлик ришталарини боғлашга уринаётган қавмга, нафақат қондош, балки ушбу доиранинг ҳам энг казо-казолари яқинлашишни кўзлаган, сарой аёнлари оиласига мансуб, бир боқиши билан юракка ғулув солувчи офатижон қизни танлади. Бу соҳибжамол графиня Короткова эди. Касатский фақат мансаб пиллапоаяларидаги истиқболи учунгина Коротковага хушомад қилмасди, у бир қошиқ сув билан ютиб юборгудек бениҳоя дилбар қизга чинакамига ошиқу беқарор бўлиб қолганди. Аввалига рўйхушлик бермаган қизнинг совук муносабати, кейинроқ фавқуллода ўзгариб, ҳар қалай илиқлаша борди, айниқса, унинг онаси кўярда-қўймай, князни меҳмонга чакириб, ҳар гал уни юксак манзират билан қарши оларди.

Касатский қизнинг қўлини бир бор сўрагандаёқ, сўзи ерда қолдирилмади. Ўзининг бундай бахтга қутганидан анча осону мўлжалидан аввал сазовор бўлгани, айниқса, она-ю қизнинг бири олиб, бири қўйиб, ўзига керагидан ортиқ ғайриоддий илиқ муносабат кўрсатишлари, чексиз мулозамати уни лол қолдирса-да, муҳаббат кўзларини шу қадар шамғалат қилгандики, суюкли малаги бир йилгина олдин шахсан ҳазрати олийлари Николай Павловичга маъшуқа бўлганидан деярли бутун шаҳар бохабарлигини илғашга ҳам ожиз эди.

II

Тўйга икки ҳафта қолганида, Касатский Царское Селодаги қаллиғининг дала ҳовлисида эди. Майнинг ниҳоятда илиқ куни бўлажак келин-куёв боғ оралаб юриб боришаркан, бир қатор қилиб экилган жўка дарахтларининг серсоя хиёбонидаги айвончадан қўним топишди.

Мэри келишган қоматига оройиш бериб, ўзига беҳад ярашиб турган оппоқ ҳарир либосда гул-гул очилиб кетганди. Шу тобда бу маҳваш гўё муҳаббату бокираликнинг тимсоли эди. Қиз бошини қуйи солиб ўтираркан, ора-сира хатти-ҳаркати чамалаб, оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзини минг чандон ўйлаб, шунда ҳам тусмолланиб, фариштамисол қайлиғини таҳқирлашдан ҳайиқиб, эъзозлаб, эҳтиёткорлик билан сўзлаётган кучли, барваста, ўктам баҳодирга кўз қирини ташлаб қўярди. Касатский ҳозирда учратиш даргумон бўлган қирқинчи йилларнинг одамлари тоифасига мансуб эди, яъни у ўзи каби эркакларнинг аёлларга нисбатан ғайриахлоқий муносабатларини онгли равишда қораламас-да, лекин аёлидан бенуқсон самовий покликни талаб этар, боз устига ўз доирасидаги ҳар бир қизни худди шундай қабул қилар ва ўшандай пок муносабатда бўларди, илло ҳозирда бундайлар анқонинг уруғи.

Ўтмишда ўз рафторига хунук ва бузуқ ножўя одатларни муносиб билган эркакларнинг муносабати ожизаларга келганда, дарҳол ўзгарар, кўзи тушган ҳар бир қизга дарров ўзига жуфт излаётган ургочига қараётгандек муомала қиладиган бугунги ёшларнинг қарашларидан анча фарқ қилар, фикри ожизимча, аввалгиларнинг бундайн эскича қарашлари ҳозиргиларга хийла фойдали бўлар эди.

Бунақанги иззат-икром илоҳий ва илиқ муҳаббатга жавобан қизлар ҳам покдомон ҳурлар каби бўлолмасалар-да, ҳар нечук ўзларини сипо санамлардек тутишга интилишарди. Шундайн қарашга эга Касатский ҳам ўз қаллиғига нисбатан баайни тарздаги муносабатда эди. Айниқса, ўша куни унинг қалби муҳаббатга лиммо-лим, қаллиғига нисбатан ғайир ҳислардан мустасно бўлиб, аксинча унга қўл чўзса етиб бўлмас самовий малакка қарагандек муносабатда эди. Йигит ўрнидан туриб, гўё бор бўй-бастиини кўз-кўз қиляётгандек, қиз қаршисида тўхтади-ю, иккала қўли билан қиличига суянди:

– Ҳозир мен инсон ҳис этиши мумкини бўлган ҳақиқий бахт нималигини англамоқдаман. Бу сиз... бу сеи, – деди у журъатсизлик билан жилмаяркан. – Буни сен менга армуғон этдинг.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3779> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3779> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3779>